







Футбол

Терма жамоамиз ярим финалда!



Кеча Қатарда Осиё кубоги чорак финал ўйинлари бошланди. Мамлакатимиз терма жамоаси Иордания жамоаси билан бўлган шиддатли учрашувда 2:1 ҳисобида ғалаба қозониб, ярим финалга йўлланма олди.



Ўзбекистоннинг туристик имкониятлари франциялик сайёҳлар эътиборида

Ўзбекистон Республикасининг Франциядаги элчи-хонаси томонидан «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясининг Париждаги бош ваколатхонаси ҳамда «ASIA Voyages» туризм агентлиги билан ҳамкорликда мамлакатимиз сайёҳлик салоҳиятининг кенг тарғибига бағишланган анжуман ташкил этилди.

Анжуман давомда иштирокчиларга жорий йилнинг баҳор ва ёз мавсумида Ўзбекистонга 300 нафарга яқин Франциялик сайёҳларини юбориш кўзда тутилган махсус дастур ҳақида малумот берилди.

Ўзбекистон сайёҳлик саноатини францияликларга намойиш этиш жараёнида дунёнинг энг йирик нуфузли компанияларидан бири — Европада биринчи, дунёда «Wal-Mart» компаниясидан кейин иккинчи ўринда турувчи чакана савдо ташкилоти — Франциянинг «Carrefour» компанияси бевосита иштирок этди.

Ўзбекистонга сайёҳлик йўналишлари бўйича янги йилнинг дастлабки кунларида бошланган савдо ярмаркаси бугунгача Франциянинг барча ҳудудлари бўйлаб фаол равишда амалга оширилиб келинмоқда, — дейди «ASIA Voyages» компаниясининг менежери Яник Барде. — «Carrefour»нинг Ўзбекистонга барча туристик йўлланмалари ушбу ойнинг ўраларидаёқ деярли сотиб бўлинган ва компания ўзбекистонлик шेरклар билан келишган ҳолда сайёҳлик ўринлар сонини кўпайтириш ва шу тарзда дастурни давом эттиришни режалаштирмоқда.

Я. Барденинг эътирофи эътиборга, бой туристик салоҳият ва замонавий инфратузилмага эга, барча томондан эътироф этилган меҳмондўст халқ истиқомат қилувчи Ўзбекистондек мамлакатда Франция туризмнинг Осиё йўналишида пешқадм бўлиш учун барча имкониятлар мавжуддир.



сафар ҳусусида батафсил маълумотлар берилган. Франциялик мутахассисларнинг қайд этишича, Ўзбекистоннинг тарихий шаҳарлари га саёҳат ҳамда «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси самолётлари билан Париж — Тошкент — Париж йўналиши бўйлаб авиакатновнинг умумий қиймати Францияда туриб амалга оширилиши мумкин бўлган бошқа сайёҳлик йўналишларига қараганда анча арзонлиги ва қулайлиги билан рақобатбардор саналади.

«Ўзбекистонга сайёҳлик йўналишлари бўйича янги йилнинг дастлабки кунларида бошланган савдо ярмаркаси бугунгача Франциянинг барча ҳудудлари бўйлаб фаол равишда амалга оширилиб келинмоқда, — дейди «ASIA Voyages» компаниясининг менежери Яник Барде. — «Carrefour»нинг Ўзбекистонга барча туристик йўлланмалари ушбу ойнинг ўраларидаёқ деярли сотиб бўлинган ва компания ўзбекистонлик шेरклар билан келишган ҳолда сайёҳлик ўринлар сонини кўпайтириш ва шу тарзда дастурни давом эттиришни режалаштирмоқда.

Я. Барденинг эътирофи эътиборга, бой туристик салоҳият ва замонавий инфратузилмага эга, барча томондан эътироф этилган меҳмондўст халқ истиқомат қилувчи Ўзбекистондек мамлакатда Франция туризмнинг Осиё йўналишида пешқадм бўлиш учун барча имкониятлар мавжуддир.

«Ўзбекистонга сайёҳлик йўналишлари бўйича янги йилнинг дастлабки кунларида бошланган савдо ярмаркаси бугунгача Франциянинг барча ҳудудлари бўйлаб фаол равишда амалга оширилиб келинмоқда, — дейди «ASIA Voyages» компаниясининг менежери Яник Барде. — «Carrefour»нинг Ўзбекистонга барча туристик йўлланмалари ушбу ойнинг ўраларидаёқ деярли сотиб бўлинган ва компания ўзбекистонлик шेरклар билан келишган ҳолда сайёҳлик ўринлар сонини кўпайтириш ва шу тарзда дастурни давом эттиришни режалаштирмоқда.

«Жаҳон» АА



Шу вақтгача мамлакатимиз миллий терма жамоасининг Осиё кубогидаги энг юқори натижаси чорак финал иштирокчиси бўлган эди. Барча футбол мухлислари, мутахассисларимиз Ўзбекистон — Иордания учрашувида бу кўрсаткич яхшиланганини кўтишаётганди.

Уюшқоқлик билан ўйнаб, ғалабага бўлган иродасини намойиш этган футболчиларимиз иорданияликларни мағлубиятга учратиб, юртимизга узоқ қутилган ғалабани тўхфа этишди!

Ушбу чемпионатда биринчи марта майдонга тушган Улуғбек Бақоев рақиблар дарвозасига иккита тўп киритиб, учрашувнинг энг яхши ўйинчиси деб топилди.

Энди футболчиларимиз 25 январь кuni бўладиган ярим финал учрашувида Австралия — Ироқ ўйини ғолибига қарши майдонга чиқишади.

Япония — Қатар терма жамоалари ўртасидаги биринчи чорак финал ўйинида — 3:2 ҳисоби қайд этилди.

Бугун Эрон — Ж.Корея, Австралия — Ироқ жамоалари учрашади.

ЯРИМ ФИНАЛ 25 январь. Япония — №4, Ўзбекистон — №3 3-ЎРИН УЧУН 28 январь. ФИНАЛ 29 январь.

Муаммо ва чора-тадбир

Ҳайдовчи масъулияти ва йўловчи маданияти...

Газетаимизнинг ўтган йил 25 декабрь сонидан шу сарлаҳва остида мақола чоп этилган эди. Унда йўловчи, ҳайдовчи ва транспорт ҳаракати хавфсизлиги ҳақида фикр юритилиб, вилоят солиқ ва йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармалари раҳбарлари ўз мулоҳазаларини баён қилишганди.

«Ҳайдовчи масъулияти ва йўловчи маданияти ёки йўл-транспорт ҳодисаларига сабаб бўладиган айрим хатти-ҳаракатларимиз ҳусусида» сарлаҳвали мақола йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати шахсий таркиби ва йўловчи ташиш фаолияти билан шугулланувчи корхона, ташкилот раҳбарлари ўртасида муҳокама қилиниб, тегишли чора-тадбирлар белгиланди.

2010 йил мобайнида «Ўзавтомобиль-транс» агентлигининг вилоят бўлими, вилоят ички ишлар ва солиқ бошқармалари ҳамкорлигида қўшма режа ишлаб чиқилиб, режа асосида кўрсатди.

Гуруҳлар иштирокида 393 та рейд ўтказилиб, йўловчи ташишда белгиланган талабларни бажармаган жами 9702 та ҳуқуқбузарлик ҳолатлари аниқланди. Жумладан, 2681 та ҳужжатсиз, 5 та маст ҳолатда, 451 та техник носоз, 60 та мажбурий техник кўриқдан ўтмаган, 600 та йўналиш олдидан техник ҳолати текширилмаган, 449 та ноқонуний қайта жиҳозланган, 13 та таҳографи, 966 та йўл варақаси, 547 та лицензия бўлмаган ҳамда 2406 та йўловчи ташиш қоида-қоида бузган, 600 та йўналиш олди тиббий кўриқдан ўтмаганлар ва 924 та бошқа қоидабузарлик ҳолатлари аниқланди.

Хуқуқбузарлардан лицензия бўлмаган 507 та ҳайдовчи га тегишли тартибда чора кўрилган. Техник носоз бўлган транспорт воситасидан фойдаланган 451 та автобус (микробус)нинг фаолияти тақиқланган, 28 та йўловчи ташиш фаолияти билан шугулланувчи хусусий фирмалар масъул ҳодимларига нисбатан қонун ҳужжатларида белгиланган маъмурий чоралар кўрилди.

«Ўзавтомобиль-транс» агентлиги вилоят бўлими ходимлари билан ўтказилган мониторинг давомидо йўлларда ҳаракат хавфсизлиги талаблари ҳамда лицензия шартлари бажарилмаганини аниқланиб: — Жиззах шаҳридаги «Дадажон», «Шоҳроҳ — Шоҳинур», Пахтакор туманидаги «Азиз Лобар Хосилбек» хусусий фирмаларнинг иш фаолиятлари тугатилди.

Арнасой туманидаги «Акбар Латипов», Зафаробод туманидаги «Ишончтранс — З», Жиззах туманидаги «Шерхонтранс», Форш тумани «Богдон-транс» хусусий фирмасининг, шунингдек, Жиззахдаги «Жиззахйўловчипранс», «Ҳақиқат қурилиш» хусусий фирмаларининг фаолияти 10 иш кунига тўхтатилди.

2011 йил 26 декабрь кuni Жиззах вилояти ҳокимлигида

юрлик шахс (уюшма) раҳбарлари иштирокида йиғилиш ўтказилиб, унда Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ходимлари томонидан ўтказилган назорат тадбирларида йўловчи ташиш фаолиятида йўловчи ташишда белгиланган қоидалар талабларига риоя этилмаётгани, йўналишларда қатнов давомидо катта тезликда ҳаракатланиб, йўловчилар ҳаётини хавф остига қўяётганлиги, шунингдек, лицензия-сиз ва йўналишда қатнаш ҳуқуқини берувчи йўналиш ҳужжатларига эга бўлмаган ҳолда, йўловчиларни ноқонуний ташиш фаолияти билан шугулланаётганлик ҳолатлари кўпайиб учраётганлиги, носоз транспорт воситаларини йўналишга чиқарилмаслиги, йўловчи та-

шувчи автокорхона ва масъулият чекланган жамиятларда белгиланган йўналишда қатновни амалга оширувчи транспорт воситаларининг иш тартиби ишлаб чиқилмаганлиги ва график асосида қатновлар бажарилиши йўлга қўйилмаганлиги оқибатида автошоҳбекатларда, автомобиллар тўхтаб туриш жойларида йўловчи олиш учун навбат талашган ҳайдовчилар ўртасида юзага келаётган жиддий низолар ҳам йўл-транспорт ҳодисалари содир этилиши эҳтимолининг ошишига дахлдорлиги кўрсатиб ўти-либ, тегишли чора-тадбирлар белгиланди.

Бу борадаги ишлар изчил давом эттирилади.

«Ўзбекистон ҲДП Тошкент вилояти кенгаши ижроя қўмитаси ҳамда халқ депутатлари Кенгашидаги депутатлик гуруҳи халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгаши депутаты Саврон Мирзаева укаси Пулат МИРЗАЕВнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия ихлоқ қилади.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Самарқанд вилоят кенгаши халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутаты, «Овози Самарқанд» газетаси бош муҳаррири Фағружон МАҲМУДОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига ҳамдардлик билдиради.

Жиззах вилоят ички ишлар бошқармаси бошлиги, полковник А.АЗИЗОВ».

Иқтисодиёт ва ислоҳот

Манғитда янги корхона ишга тушди

Амударё туманидаги йирик ишлаб чиқариш корхоналаридан бири «Манғит» ип йиғирув тўқимачилик фабрикаси иқтисодий жиҳатдан ноқор аҳволга тушиб, кўп йиллардан буён тўхтаб қолган эди.

Туман ҳокимлиги ҳамда мутасадди идора ва ташкилотлар вакиллари ҳамжиҳатликда бу ерда пиллани қайта ишлайдиган корхона ташкил этиш ишларини бошлаб юборди.

Йилга 250 тонна пиллани қайта ишлаш қувватига эга бўлган «Asiya-Silk» Вьетнам шўъба корхонасида жуда қисқа муддатда ўз маблағи ҳисобидан 180 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилди. Шунингдек, 290 минг АҚШ доллари миқдоридоги пиллани қайта ишлайдиган энг замонавий, жаҳон андозасига мос асбоб-ускуналар хориждан келтириб ўрнатилди.

Корхона ишга тушишдан аввал 51 нафар йигит-қиз «Хоразм ипаги» масъулият чекланган жамиятга ҳамда Наманган вилоятидаги «Golden-Silk» корхонасида пилладан ипак ипи олиш сирларини ўрганиб келишди.

Корхонамизда янги йилдан бошлаб сифатли ипак ипи ишлаб чиқариш йўлга қўйилди, — дейди шўъба корхона бош директори ўринбосари Ёқубжон Тураев. — Корхонамиз келгусида янада кенгайди. Қоралпоғистонда етиштирилаётган пилланинг ҳаммаси шу ерда қайта ишланади. Кейинчалик турли рангдаги атлас матоси ишлаб чиқаришни йўлга қўямиз. Бунинг учун барча имкониятлар мавжуд.

Рейимбой ЁШИМБЕТОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

ОБ-ҲАВО 22-23.01. 2011

Table with 3 columns: City, БУГУН, ЭРТАГА. Lists weather forecasts for various cities like Toshkent, Samarqand, etc.

Table with 3 columns: City, Temperature. Lists temperatures for London, Paris, Moscow, etc.

MUASSIS: XDP O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV. Tahrir hay'ati: Abdulla ORIPOV, Latif G'ULOMOV, Bobir ALIMOV, Sharbat ABDULLAYEVA, Murodulla ABDULLAYEV, Ulug'bek MUSTAFOYEV, Tat'yana KISTANOVA, Bobir ALIMOV, G'afur HOTAMOV, Muslihidin MUHIDDINOV, Andrey KUSTOV, Ochilboy RAMATOV, Saidahmad RAHIMOV

BO' LIMLAR: Partiya hayoti... Manzilimiz: 100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy. Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. e-mail: info@uzbekistonovozi.uz. T - Tijorat materiallari

Navbatchi: Mirbaxtiyor MIRFAZIYEV. Gazeta 'O'zbekiston ovozi'ning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi.